

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ**  
**ИНСТИТУТИ**

**ҚУРЯЗОВ ШОХРУҲ АКБАР ЎҒЛИ**

**БАЛОҒАТ ЁШИДАГИ ҚИЗЛАРДА СТОМАТОЛОГИК**  
**САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШНИНГ КЛИНИК ВА ТИББИЙ-**  
**ИЖТИМОЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2026

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Қурязов Шохрух Акбар ўғли**

Балоғат ёшидаги қизларда стоматологик саломатликни сақлашнинг клиник  
ва тиббий-ижтимоий жиҳатлари .....3

**Қурязов Шохрух Акбар угли**

Клинические и медико-социальные аспекты стоматологической помощи  
девочкам подросткового возраста.....27

**Kuryazov Shokhruh Akbar ugli**

Clinical and medico-social aspects of dental health care in girls of puberty  
age .....53

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Lists of published works .....58

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ҚУРЯЗОВ ШОХРУҲ АКБАР ЎҒЛИ**

**БАЛОҒАТ ЁШИДАГИ ҚИЗЛАРДА СТОМАТОЛОГИК  
САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШНИНГ КЛИНИК ВА ТИББИЙ-  
ИЖТИМОЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/Tib4107 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Хабибова Назира Насуллоевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Камолова Феруза Рахматиллоевна**  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Рузуддинов Нурмухамед Саурбекович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 Илмий кенгашининг 2026 йил «26» май соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 29 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50), Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru).)

Диссертация автореферати 2026 йил «14» май да тарқатилди.  
(2026 йил «14» май даги 26 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.Т.Уроков**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Казакова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Б.З.Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти статистикасига кўра, «...дунё бўйлаб 3.7 млрд одам оғиз бўшлиғи касалликларидан азият чекади...».<sup>1</sup> Бугунги кунда аҳоли, шу жумладан, балоғат ёшидаги қизлар стоматологик саломатлигини муҳофаза қилиш замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. ЖССТ нинг мабулумотларига кўра, «... пародонт касалликлари балоғат ёшидаги йигит ва қизларда бир хилда учраса, кариес қизларда ўғил болаларга нисбатан 28,0 % кўпроқ учраши аниқланган...»<sup>2</sup>. Кўплаб халқаро тадқиқотлар, КПО индекси кўрсаткичи бўйича балоғат ёшидаги қизларда ўғил болаларга нисбатан тиш чириши частотаси юқорироқ эканлигини кўрсатади.

Балоғат ёшидаги қизларда эстроген ва прогестерон гормонларининг кескин ошиши гингивит (милк яллиғланиши) хавфини сезиларли даражада оширади. Бу даврда ўсмирларнинг 70% дан ортиғида маълум даражадаги гингивит кузатилиши мумкин. Даволанмаган гингивит эса келгусидаги пародонтит учун асос яратади. Оғиз бўшлиғининг ёмон ҳолати (айниқса, сурункали интоксикация манбаи сифатида) балоғат ёшидаги қизларнинг репродуктив саломатлигига таъсир этади. Стоматологик саломатлик ҳам балоғат ёшидаги қизлар ҳаёт сифатини оширадиган муҳим омиллардан биридир. «...Бугунги кунда аёллар орасида стоматологик касалликлар билан касалланиш даражасини пасайтириш улар ҳаёт сифати билан узвий боғлиқлиги исботланган...»<sup>3</sup>.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, турли аҳоли қатламлари, жумладан, балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик касалликларнинг олдини олиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>4</sup> вазибалари белгиланган. Шунга асосан балоғат ёшидаги қизлар, стоматологик саломатлигини аниқлаш, улар ҳаёт сифати билан боғлиқлигини баҳолаш, шу асосда стоматологик касалликлар бирламчи профилактикасига янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар

<sup>1</sup> <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/oral-health>

<sup>2</sup> <https://www.who.int/data/gho/data/themes/oral-health-data-portal>

<sup>3</sup> Гаффоров С.А., Ахмедов А.А. Научные взгляды на этиопатогенез, лечения и профилактику некариозных поражений тканей зубов // Стоматология. - 2019. - № 2(75). - С. 81-84.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01. 2022 йилдаги ПФ-60-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>5</sup> ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>6</sup> ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда аёллар, жумладан, балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик ва бошқа экстрагенитал касалликлар профилактикасига қаратилган комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, оғиз бўшлиғи ҳолатини яхшилаш ва тиш-жағ касалликларининг антенатал профилактикасини таъминлаш муаммоси долзарблигича қолмоқда (Виноградова Т.Н., Романов Е.В., 2020; Камалова Ф.Р. ва ҳаммуал., 2024; Ну У.Н. et al., 2018).

Шу билан бирга, фертил ёшидаги, ҳомиладор аёлларда стоматологик касалликларнинг олдини олиш ва ушбу патологиялар интенсивлиги ва ҳомиладорлик пайтида унинг ошиш тезлигини тавсифловчи кўрсаткичларни таъкидлаш керак, тадқиқотлар давомида улар юқори даражада бўлгани исботланган. Шу муносабат билан фертил ёшидаги, ҳомиладор ва эмизикли аёлларда стоматологик касалликлар профилактикаси самарадорлигини белгиловчи омилларни ўрганиш зарур (Бекжанова О.Е. ва ҳаммуал., 2021; Узденова А.А. ва ҳаммуал., 2021; Nasyim R. Et al., 2021).

Сўнгги 20 йил ичида бу борада илмий йўналиш фаол ишлаб чиқилган ва тиш қаттиқ тўқималари деминерализация жараёнларига чидамлилиги концепцияси, унга кўра тиш эмали қаршилигининг ўзгариши кариоз жараён фаоллиги ошишига олиб келган (Горбунова И.Л. ва ҳаммуал., 2016).

Оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарида ҳатто физиологик кечаётган гормонал ўзгаришда аҳамиятли функционал ва морфологик ўзгаришлар содир бўлиши исботланган. Балоғат ёшидаги қизларда стоматологик касалликлар тузилишига бевосита таъсир қилувчи муҳим омил гормонал ўзгариш ва оғиз бўшлиғининг гигиенаси ҳисобланади (Мамедов Р.Т., Иванова С.К., 2018; Gafforov S.A., Olimov Sh.S., 2019).

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.**

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПФ-6110-сон фармони. <https://lex.uz/docs/5100677>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПФ-4891-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/5100663>

Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2024 PhD 189) COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омиллар эрта аниқлаш, ташхишлаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026й.й) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик саломатликни сақлашнинг клиник ва тиббий-ижтимоий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда стоматологик касалликлар фаол бирламчи профилактикасини ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик касалликлар, шу жумладан, пародонт тўқималари ва оғиз бўшлиғидаги яллиғланиш ўзгаришларининг намоён бўлиш даражасини аниқлаш;

балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик патологиялар шаклланиши хавф омиллари ва даволаш натижаларини қиёсий баҳолаш ҳамда натижаларини баҳолаш;

балоғат ёшидаги қизларда яшаш жойига (шаҳар/қишлоқ ҳудуди) боғлиқ ҳолда оғиз бўшлиғи гигиенасининг клиник-индекс кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш;

балоғат ёшидаги қизларда стоматологик касалликларнинг фаол бирламчи профилактикаси бўйича кўп даражали схемаси ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Хоразм вилояти Боғот, Янгибозор туманлари ва Урганч шаҳрида доимий истиқомат қилувчи 1580 нафар балоғат ёшидаги (12-18 ёш) қизлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қишлоқ ва шаҳарда муқим яшовчи балоғат ёшидаги қизларни стоматологик кўрик, тиббий-ижтимоий тадқиқот натижалари, КПО, парадонтал ва гигиеник индекс материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотини амалга ошириш учун стоматологик, тиббий-ижтимоий, клиник-функционал ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик касалликларнинг тарқалиш даражаси, оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати ва тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари интенсивлиги комплекс клиник-статистик таҳлил асосида тизимли баҳолашнинг патогенетик ахамияти асосланган;

илк бор текширилган беморлар орасида ювенил (пубертат) гингивитнинг тарқалиши, клиник шакллари ва яллиғланиш фаоллиги индекс кўрсаткичлари асосида баҳоланиб, унинг ҳудудий жиҳатдан ишонарли фарқланиши аниқланган;

илк бор балоғат ёшидаги қизларда стоматологик касалликлар оғирлик даражасининг шаклланиши оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолати, ретенцион омиллар ва профилактик фаоллик даражаси билан клиник-статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлиги ҳамда ушбу ўзаро боғлиқлик асосида яллиғланиш

жараёнлари ва кариес касаллигини камайтиришга қаратилган профилактик чора тадбир илмий асосланган;

ювенил гингивит билан касалланган балоғат ёшидаги қизлар учун фаол бирламчи профилактикага йўналтирилган дифференциал даволаш-профилактик схема жорий этилиб, уни қўллаш натижасида яллиғланиш индекслари ишончли пасайиши ва стоматологик саломатлик кўрсаткичларининг барқарор яхшиланиши клиник жиҳатдан исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

шаҳар ва қишлоқда яшовчи балоғат ёшидаги қизларда стоматологик ҳолат қиёсий баҳоланиб, шаҳарда тишларни олиб ташлашдан кўра уларни даволаб сақлаб қолишга кўпроқ эътибор берилаётганини кўрсатди ва ҳар бир ҳудуднинг шароитига қараб профилактика ҳамда даволаш ишларини олдиндан тўғри режалаштириш имконини берган;

ювенил (пубертат) гингивитнинг тарқалиши ва яллиғланиш фаоллиги индекслари бўйича ҳудудий фарқлар тасдиқланиб, зондлаш пайтида қон кетиши кўрсаткичларини эрта аниқлаш ва динамик кузатишда патологик жараёнларини олдини олишни стоматологик амалиётга киритиш тавсия этилган;

балоғат ёшидаги қизларда стоматологик патологиянинг ҳудудий фарқлари ўрганилиб, бирламчи профилактиканинг схемаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Ушбу схемани қўллаш стоматологик саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш, оғиз бўшлиғи касалликлари ҳамда тиш-жағ тизими нуқсонларининг олдини олишда самарали экани асосланган ва амалиётга тавсия этилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи стоматологик, клиник-функционал, тиббий-ижтимоий, статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдорда балоғат ёшидаги қизларни стоматологик кўрикдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан тасдиқланганлиги, уларнинг ватандош ва хорижий тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотлар билан қиёслаганда ишончилиги, келтирилган хулосаларнинг асосланганлиги, ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти балоғат ёшидаги қизларда стоматологик касалликлар учраши бўйича турар жойига боғлиқ ишонарли равишдаги дисбаланс қишлоқ шароитида стоматологик хизмат кўрсатиш даражаси етарли эмаслиги, стоматолокка кеч мурожаат қилиш, оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилишнинг пастлиги, стоматологик саломатлик бўйича кўникмалар камлиги билан узвий боғлиқлиги исботлангани, шаҳар аҳолисидаги қизлар орасида КПО индекси ўрта, қишлоқда эса паст бўлиб, юқори кариес юкламаси ва кариессиз шахслар улуши камлиги аниқлангани, улар орасида стоматологик патологиялар фаол

бирламчи профилактикаси тадбирларини ташкил этилган ва стоматологик саломатликка эътиборни қаратиш лозим эканлиги билан ифодаланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти балоғат ёшидаги қизларда стоматологик касалликлар шаҳарда ва қишлоқда турар жойига боғлиқ фарқларини, кариес индексининг шаҳар ва қишлоқда турлича бўлишини, стоматологик профилактика тадбирларининг самарадорлигини ва оғиз гигиенасига риоя даражасини аниқлади ҳамда 6 та кўрсатма ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2025 йил 7 октябрдаги №26/36-сон хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик касалликларнинг тарқалиш даражаси, оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати ва тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари интенсивлиги комплекс клиник-статистик таҳлил асосида илк маротаба тизимли баҳоланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ҳар иккала шикоят орасида фарқ борлиги шаҳарлик қизларда эстетик кўриниш ва оғиз бўшлиғи гигиенасига эътибор юқори эканлиги билан асосланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Хоразм вилояти Болалар стоматология поликлиникаси, буйруқ №52 И. 07.07.2025 й. Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси, буйруқ №01-37. 04.07.2025 й, Хоразм вилояти болалар стоматология поликлиникаси, буйруқ №65 И. 28.08.2025 й. Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси, буйруқ №01-38. 03.09.2025 й. билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти:* олинган натижалар балоғат ёшдаги қизларда оғиз бўшлиғидаги ўзгаришларни ўрганиш, улар ҳаёт сифатини яхшилаш, стоматологик касалликларни эрта ташхислаш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқотдан олинган натижалар амалий жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, у муҳим тиббий-ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга, чунки у бир томондан касалликни эрта ташхислашга, иккинчи томондан даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган усуллар асосида эрта ташхислаш ва бунинг натижасида даволаш харажатларини камайтиришни ҳисоблаш орқали иқтисодий самарадорлик ҳисобланди. Таклиф қилинган кўрсатмаларни амалга оширишдан 650 000 сўмлик иқтисодий самарадорлик юзага келади. *Хулоса:* балоғат ёшидаги қизларда стоматологик касалликлар профилактикаси билан боғлиқ харажатларни камайтиришга эришилган ва бюджет маблағларни 650 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

*иккинчи илмий янгилик:* илк маротаба текширилган беморлар орасида ювенил (пубертат) гингивитнинг тарқалиши, клиник шакллари ва яллиғланиш фаоллиги индекс кўрсаткичлари асосида баҳоланиб, унинг ҳудудий жиҳатдан ишонарли фарқланиши аниқланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* пародонт касалликлари, тиш қаттиқ тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланган бўлиб,

кузатилиши мумкин асоратларни олдини олиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Хоразм вилояти Болалар стоматология поликлиникаси, буйруқ №52 И. 07.07.2025 й. Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси, буйруқ №01-37. 04.07.2025 й, Хоразм вилояти болалар стоматология поликлиникаси, буйруқ №65 И. 28.08.2025 й. Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси, буйруқ №01-38. 03.09.2025 й. билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* пародонт касалликлар, тиш қаттиқ тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари интенсивлигининг юқори даражалари исботланиб тавсия этилган профилактик тадбирлар стоматологик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олиш ва шу билан қизлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқотдан олинган натижалар амалий жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, у муҳим тиббий-ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга, чунки у бир томондан касалликни эрта ташхислашга, иккинчи томондан даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган усуллар асосида эрта ташхислаш ва бунинг натижасида даволаш харажатларини камайтиришни ҳисоблаш орқали иқтисодий самарадорлик ҳисобланди. Таклиф қилинган кўрсатмаларни амалга оширишдан 650 000 сўмлик иқтисодий самарадорлик юзага келади. *Хулоса:* балоғат ёшидаги қизларда стоматологик касалликлар профилактикаси билан боғлиқ харажатларни камайтиришга эришилган ва бюджет маблағларни 650 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

*учинчи илмий янгилик:* илк мартаба балоғат ёшидаги қизларда стоматологик касалликлар оғирлик даражасининг шаклланиши оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолати, ретенцион омиллар ва профилактик фаоллик даражаси билан клиник-статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлиги ҳамда ушбу ўзаро боғлиқлик асосида яллиғланиш жараёнлари ва кариес касаллигини камайтиришга қаратилган профилактик чора тадбир илмий асосланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти* тиш кариоз зарарланиши ҳамда пломбалар борлиги бўйича қишлоқ туманлари ва шаҳарлик қизлар орасида ишонарли тафовут аниқланмагани, кариес, пломбалар бўйича фарк борлиги, олиб ташланган тишлар бўйича ўртача кўрсаткич қишлоқ қизларига нисбатан шаҳарликларда ишонарли паст бўлгани стоматологлар амалиёти учун, яллиғланиш ва кариес юкламасини камайтириш бўйича профилактик чора-тадбирларнинг муҳимлиги кўрсатилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Хоразм вилояти Болалар стоматология поликлиникаси, буйруқ №52 И. 07.07.2025 й. Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси, буйруқ №01-37. 04.07.2025 й, Хоразм вилояти болалар стоматология поликлиникаси, буйруқ №65 И. 28.08.2025 й. Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси, буйруқ №01-38. 03.09.2025 й. билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари интенсивлиги юқори даражалари исботланиб, тавсия этилган фаол бирламчи профилактиканинг стоматологик касалликлардан асоратлар

олдини олиш, қизлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқотдан олинган натижалар амалий жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, у муҳим тиббий-ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга, чунки у бир томондан касалликни эрта ташхислашга, иккинчи томондан даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган усуллар асосида эрта ташхислаш ва бунинг натижасида даволаш харажатларини камайтиришни ҳисоблаш орқали иқтисодий самарадорлик ҳисобланди. Таклиф қилинган кўрсатмаларни амалга оширишдан 148000 сўмлик иқтисодий самарадорлик юзага келади. *Хулоса:* балоғат ёшидаги қизларда стоматологик касалликлар профилактикаси билан боғлиқ харажатларни камайтиришга эришилган ва бюджет маблағларни 148 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

*тўртинчи илмий янгилик:* ювенил гингивит билан касалланган балоғат ёшидаги қизлар учун фаол бирламчи профилактикага йўналтирилган дифференциал даволаш-профилактик схема жорий этилиб, уни қўллаш натижасида яллиғланиш индекслари ишончли пасайиши ва стоматологик саломатлик кўрсаткичларининг барқарор яхшиланиши клиник жиҳатдан исботланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти;* стоматологик саломатлик кўрсаткичлари бўйича унинг ёмонлашганлик белгилари аниқлангани, ушбу қизлар стоматологик саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича ушбу патологиялар профилактикасини ишлаб чиқилганлиги билан асосланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Хоразм вилояти Болалар стоматология поликлиникаси, буйруқ №52 И. 07.07.2025 й. Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси, буйруқ №01-37. 04.07.2025 й, Хоразм вилояти болалар стоматология поликлиникаси, буйруқ №65 И. 28.08.2025 й. Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси, буйруқ №01-38. 03.09.2025 й. билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* қишлоқ туманлари ва шаҳар ҳудудларида истиқомат қилувчи балоғат ёшдаги қизлар ортопедик статусини ўрганиш натижасида уларда ортопедик хизмат кўрсатиш даражаси бир хилда экани исботланганлиги стоматологик хизматни ташкил этиш ҳамда молиялаштиришда ҳисобга олиниши лозимлиги кўрсатилган; *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқотдан олинган натижалар муҳим тиббий-ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга, чунки у бир томондан касалликни эрта ташхислашга, иккинчи томондан даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган усуллар асосида эрта ташхислаш ва бунинг натижасида даволаш харажатларини камайтиришни ҳисоблаш орқали иқтисодий самарадорлик ҳисобланди. Таклиф қилинган кўрсатмаларни амалга оширишдан 650000 сўмлик иқтисодий самарадорлик юзага келади. *Хулоса:* балоғат ёшидаги қизларда стоматологик касалликлар профилактикаси билан боғлиқ харажатларни камайтиришга эришилган ва бюджет маблағларни 650 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 128 саҳифани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Балоғат ёшидаги қизларда стоматологик саломатликни ўрганишнинг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича охириги йиллар илмий манбаларининг шарҳи батафсил келтирилган. Шарҳда балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик касалликлар учраш даражаси, улар стоматологик саломатлиги, тиббий-биологик ҳамда ижтимоий-гигиеник омилларнинг таъсири, ушбу контингент орасида стоматологик касалликлар шаклланишида ташқи ва ички омиллар таъсири, балоғат ёшидаги қизларда мавжуд стоматологик патологиялар, кечиши, ташҳиси ва давосининг хусусиятлари, улар стоматологик саломатлигини муҳофаза қилишнинг ўзига хос жиҳатлари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Балоғат ёшидаги қизларнинг стоматологик саломатлигини ўрганиш бўйича материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида, диссертация ишининг материали ва фойдаланилган усуллар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертация тўрт босқичда олиб борилган:

Тайёргарлик босқичи. Бунда диссертация иши мавзуси доирасида тадқиқот объекти танланиб, ушбу ишнинг услубий ва материал-техник масалалари ҳал қилинди. Жами балоғат ёшидаги қизлар билан ишлаш бўйича стоматологик, тиббий-ижтимоий усуллар танланди, сўров-интервью, анкеталаш каби тиббий-ижтимоий усуллар ўзлаштирилди.

Тадқиқотларни ўтказиш босқичи. Танланган ҳудудлар аҳолисининг рўйхати шакллантирилиб, улар орасида балоғат ёшдаги қизлар ҳисобга олинди. Қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари билан биргаликда улар амбулатор карталари ўрганилиб, стоматологик кўрик ўтказиш учун тайёрлаб қўйилди.


Стоматологик саломатликни ўрганишни ўтказиш босқичи. Боғот ва Янгибозор туманлари, Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи балоғат ёшидаги қизлар стоматологик саломатлиги стоматологик кўрик асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг якуний босқичи. Етарлича клиник, тиббий-ижтимоий материал йиғилгач, барча анкеталар ва стоматологик кўрик натижалари ёзилган амбулатор карталари тизимланди, статистик ишлаш учун тайёрлаб қўйилди. Анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ишланди, олинган рақамлар талқин ва таҳлил қилинди, улар натижасида диссертация шакллантирилди.


Стоматологик саломатликни ўрганиш мақсадида тадқиқотга жалб этилган контингент балоғат ёшидаги қизлар бўлиб (12-18 ёш) типик қишлоқ туманлари бўлган Боғот ва Янгибозор туманларида доимий яшаётган қизлар бўлишди (асосий гуруҳ), Урганч шаҳрида доимий истиқомат қилувчи қизлар улар билан таққослаш мақсадида ўрганилди (қиёслаш гуруҳи).

Жами тадқиқотга жалб этилганлар сони 1580 нафарни ташкил этиб, Боғот туманидан 494 нафар (31,2%), Янгибозор туманидан 491 нафар (31,0%), Урганч шаҳридан 595 нафар (37,6%) балоғат ёшидаги қизлар ўрганилди, шунга мос равишда, қишлоқ аҳолиси 985 нафарни (62,3%), шаҳар аҳолиси 595 нафарни (37,6%) ташкил қилди (1-расм).

Тадқиқот ўтказилган қишлоқ туманлари ва шаҳардан олинган ушбу контингент миқдор жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиб, тенг тақсимланди ва натижалар репрезентативлиги кўрсатиб берилди.



**1-расм. Балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик саломатликни ўрганиш бўйича туманлар (А) ва турар жойига (Б) қараб тақсимланиши**



■ 12 ёш ■ 13 ёш ■ 14 ёш ■ 15 ёш ■ 16 ёш ■ 17 ёш ■ 18 ёш

## 2-расм. Тадқиқотга жалб қилинган балоғат ёшидаги қизларнинг ёш бўйича тақсимланиш кўрсаткичлари

2-расмда тадқиқотга жалб этилган балоғат ёшидаги қизларнинг ёш бўйича тақсимланиши акс эттирилган. Маълумотлар таҳлили иштирокчиларнинг ёш гуруҳлари бўйича нисбатан тенг тақсимланганини кўрсатади, бу эса тадқиқот натижаларининг репрезентативлигини таъминлайди. Хусусан, 13 ва 17 ёшли иштирокчилар улуши 16% ни ташкил этган бўлиб, энг юқори кўрсаткич қайд этилган. 12, 14, 16 ва 18 ёшли гуруҳлар ҳар бири 14% дан иборат бўлган. 15 ёшли қизлар улуши эса 12% ни ташкил этиб, бошқа ёш гуруҳларига нисбатан бироз камроқ қайд этилган.

Тиш каттик тўқималари ҳолатини баҳолашда тиш кариеси интенсивлиги КПО индекси бўйича ҳисобланди. Ушбу индекс К (кариоз тишлар), П (пломбаланган тишлар) О (олиб ташланган тишлар), компонентлари йиғиндисидан иборат бўлиб, ҳар бир иштирокчи учун алоҳида ҳисобланди ва кейин гуруҳлар бўйича умумлаштирилди. Пародонт тўқималарининг ҳолатини комплекс баҳолаш учун бир нечта ўзаро тўлдирувчи индекслар ва тестлар қўлланилган. Милк яллиғланиш жараёнининг тарқалиши ва структурасини баҳолаш мақсадида папилляр-маргинал-альвеоляр индекс (РМА) қўлланилган. Тиш карашининг шаклланиш даражаси ва оғиз бўшлиғи гигиенаси Грин-Вермиллон индекси (1964) ёрдамида баҳоланган. Милк капиллярларининг мустаҳкамлигини функционал жиҳатдан ўрганиш И.В. Кулаженко синамаси ёрдамида амалга оширилган.

Ўтказилган даволаш-профилактика тадбирларига қараб, барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди:

1-гуруҳ беморлари (n=61) анъанавий даволаш ва вакуум массаж олдилар.

1) Ҳар бир гипертрофияланган милк сўрғичи асосига 40% ли глюкоза эритмасидан 0,1–0,2 мл инъекция қилинади. Игна папилла асосига, шиллик қават остига киритилади. Бир сеансда одатда 3–5 тагача папиллага ишлов берилади. Муолажа 3–4 кунлик танаффус билан, одатда 3–4 марта такрорланади.

0,5% ли хлорофиллипт, метрогил дента малҳам ва паста кўринишида тишлараро бўшлиққа юборилиб, антимикроб, маҳаллий яллиғланишга ва шишга қарши терапия ўтказилди.

2-гурух беморлари (n=61) анъанавий даволаш, маҳаллий гомеопатик воситалар ва вакуум массаж қилинди. 1) Оғиз бўшлиғига антисептик ишлов берилди ва тишлараро бўшлиқлар эритмалар (3% ли водород пероксид, 0,06% ли хлоргексидин, 0,02% ли фурациллин эритмаси) билан ювилди. 2) Анестезин гели билан маҳаллий аппликацион анестезия остида қайта антисептик ишлов берилди. 3) Дентазол гел ёрдамида антимикроб, маҳаллий яллиғланишга ва шишга қарши терапия ўтказилиб, у малҳам ва паста кўринишида тишлараро бўшлиққа юборилди. Милқдаги яллиғланиш ва шиш олингандан сўнг вакуум массаж ўтказилди. 4) Вакуумли массаж терапияси алмаштириладиган шиша учликка эга манипулятор ёрдамида АВЛТ-“ДЕСНА” вакуум-лазер терапияси аппарати билан амалга оширилган.

Олинган материалларни статистик ишлаш анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилди, бунда «Excel» дастуридан фойдаланилди. Бунинг учун қуйидаги параметрларни ҳисоблаш амалга оширилди: ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик катталиқ хатоси (m), фарқлар ишончилиги Фишер-Стюдент мезони (P) бўйича аниқланди, агар ишончилик даражаси  $P < 0.05$  бўлса, кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишончли даражада, деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «Балоғат ёшидаги қизларда стоматологик статусни текшириш ва индексли баҳолаш натижалари таҳлили» деб номланган учинчи бобида ўрганилган қизлар орасида стоматологик саломатликни аниқлаш натижаларининг таҳлили келтирилган.

Худудлар бўйича балоғат ёшдаги қизларнинг ёш бўйича тақсимланиши (1-жадвал) да келтирилган, 12-18 ёшли қизларнинг туманлар бўйича танланган контингент асосида сезиларли фарқлар кузатилди. Шундай қилиб, ўсмирларнинг (17-18 ёш) улуши Урганч шаҳрида (32,1%) бошқа туманларга қараганда анча юқори (Боғот туманида 19,8% ва Янгибозор туманида 13,0%;  $p < 0,001$ ). Ваҳоланки, Янгибозор туманида 13-14 ёшли кичик ёш гуруҳининг устунлиги билан тавсифланади (40,9% - максимал кўрсаткич;  $p < 0,001$ ), Урганчда тескари манзара кузатилган.

1-жадвал.

**Текширилган 13-18 ёшли қизларнинг туманлар бўйича ёш таркиби  
(мут.; % (M±m))**

Ёш гуруҳи	Боғот		Янгибозор		Урганч		P
	мут.	% (M±m)	мут.	% (M±m)	мут.	% (M±m)	
13-14 ёш	182	36,8±2,20	201.	40,9±2,20	168	28,2±1,80	0,001
15-16 ёш	214	43,3±2,20	226	46,0±2,30	236	39,7±2,00	0,002
17-18 ёш	98	19,8±1,80	64	13,0±1,50	191	32,1±1,90	0,001

Изоҳ. мутлоқ сон; % (M±m): M - ўртача улуш, m - ўртача хато; n -  $\chi^2$  Пирсон мезони;  $p < 0,05$ .

Тадқиқот натижалари балоғат ёшидаги қизларда оғиз бўшлиғи патологияси тузилишида ҳудудий жиҳатдан ишонарли фарқлар мавжудлигини кўрсатди (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**12-18 ёшли қизларда стоматологик патологиянинг нозологик тузилиши туманлар бўйича (n; % (M±m);  $\chi^2$ ; p)**

Нозология	Боғот			Янгибозор			Урганч			$\chi^2$	p
	n	%M	% m	n	% M	% m	n	% M	% m		
Тиш кариеси (ўткир, сурункали)	359	73,1	2,00	408	68,6	1,90	302	61,1	2,19	16,52	<0,001
Нокариоз шикастланиш Лар	57	11,6	1,45	40	6,7	1,03	25	5,1	0,99	16,16	<0,001
Пулпит (ўткир, сурункали)	33	6,7	1,13	27	4,5	0,85	13	2,6	0,72	9,36	0,009
Периодонтит (ўткир, сурункали)	46	9,4	1,32	26	4,4	0,84	24	4,9	0,97	13,65	0,001
Гингивит	61	12,4	1,49	41	6,9	1,04	27	5,5	1,02	17,97	<0,001
Патология аниқланмаган	27	5,5	1,00	44	7,4	1,10	51	10,3	1,40	8,19	0,017

*Изоҳ. Статистик ишончли фарқлар  $p < 0,05$  даражасида қабул қилинган.*


Нозологик шакллар ичида етакчи ўринни тиш кариеси эгаллади. Кариес тарқалиши 61,1%–73,1% оралиғида қайд этилди ва ҳудудлар кесимида ишонарли тафовут билан тавсифланди ( $p < 0,001$ ). Энг юқори кўрсаткич Янгибозор туманида (73,1%), оралиқ даража Боғот туманида (68,6%), энг паст кўрсаткич эса Урганч шаҳрида (61,1%) аниқланган.

Қаттиқ тўқималарнинг нокариес шикастланишлари нисбатан кам учради: Боғот туманида 11,6% ни, Янгибозор туманида 6,7% ни, Урганч шаҳрида 5,1%ни ташкил этган.

Кариеснинг асоратланган шакллари таҳлилида Боғот туманида пульпит 6,7% ҳолларда аниқланиб, Урганч шаҳридаги 2,6% кўрсаткичдан ишонарли юқори даражада эканлиги қайд этилди ( $p < 0,01$ ). Периодонтит Боғот туманида 9,4% ни ташкил этиб, бошқа ҳудудлардаги 4–5% кўрсаткичларга нисбатан деярли икки марта юқори экани статистик жиҳатдан тасдиқланди ( $p < 0,001$ ).

Кариес интенсивлигини баҳолаш доирасида учта маъмурий ҳудуд - Боғот, Янгибозор туманлари ва Урганч шаҳрида 12-18 ёшли қизларда КПО индексининг ўртача қийматлари ҳисоблаб чиқилди. КПО кўрсаткичи яққол

худудий градиентга эга эканлиги аниқланди: максимал қиймат Боғот туманида, оралик қиймат Янгибозор туманида, минимал қиймат Урганч шаҳрида кузатилди (3-расм).




**3-расм. Туманлар бўйича 12-18 ёшли қизларда кариес интенсивлиги ва КПО индекси компонентлари (М)**

Хусусан, Боғот туманида кариеснинг ўртача интенсивлиги (КЎИ) 5,10 ни ташкил этди, бу Урганч шаҳридаги худди шундай кўрсаткичдан (3,95) тахминан 1,3 марта кўплиги аниқланди. Боғот туманида ўсмирлар гуруҳида кариес юкласи юқори эканлигидан далолат беради. Янгибозор туманида КПОнинг ўртача қиймати Боғот тумани даражасига етмасдан, Урганч шаҳри кўрсаткичидан юқори бўлиб, оралик ўринни эгаллади (4,55) Янгибозор тумани ва Урганч шаҳри ўртасидаги фарқ - 0,60; ( $p < 0,01$ ) ни ташкил этди.

Санация даражаси ва кариес кечишининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилди. Даволаш қамрови қанчалик паст бўлса, кариеснинг асоратланган шакллари (пульпитлар, периодонтитлар) улуши шунчалик юқори бўлади (4-расм).


Боғот туманида минимал санация индекси фонид асоратларнинг энг юқори хавфи қайд этилди. Кариес частотаси беморларнинг 22,0% да учраган бўлиб, бу Урганч шаҳрига қараганда деярли икки марта кўп (12,3%)ни ташкил этди. Янгибозор туманида асоратлар улуши оралик ҳолатни эгаллади (13,0%). Хар бир туманга мос келадиган нуқталар юқоридан чапдан (Боғот туман) пастга ва ўнгга (Урганч шаҳри) йўналишда жойлаштирилади, бу эса санация даражасининг ошиши билан асоратлар даражасининг пасайиш тенденциясини кўрсатади. Текширилган балоғат ёшли қизларда тиш қаттиқ тўқималарининг турли нокариоз касалликлар аниқланди; эмал гипоплазияси, флюороз, эмал эрозияси, понасимон нуқсонлар ва патологик едирилиш.



**Санация индекси**  
(кариес билан зарарланганлар орасида пломбаланган тишлар улуши)


#### 4-расм. Санация индекси ва кариес кузатилмаган ҳолатлар улушининг таққослаш тавсифи (%)

Нокариоз патологиянинг умумий тарқалиши Боғот туманида 11,5%, Янгибозор туманидада 8,1% ва Урганч шаҳрида 4,2% ни ташкил этди (5-расм).



#### 5-расм. 12-18 ёшли қизларда нокариес патологияларнинг ҳудудлар бўйича шакллари (%)

Шундай қилиб, Боғот туманида ўсмирлар ўртасида нокариес шикастланишлар частотаси Урганч шаҳрига нисбатан қарийб уч баравар юқори эканлиги аниқланди. Аниқланган фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, ҳудудий омиллар ва хавф факторларининг таъсирини акс эттиради. 12-18 ёшли қизларда тишларнинг қаттиқ тўқималарини ўрганиш кариес кўрсаткичлари ва уни даволаш самарадорлиги бўйича ҳудудлар ўртасида аниқ фарқларни аниқлади (6-расм).



**6-расм. 12-18 ёшли қизларда тишларнинг нокариоз зарарланиш шакллариининг туманлар бўйича тақсимланиш, %**

Боғот туманида тишларнинг кариес шикастланишининг энг юқори даражаси ва КПОнинг қоникарсиз тузилиши қайд этилган, бу эса ушбу худуд етарли бўлмаган стоматологик таъминотни кўрсатади. Урганч шаҳри, аксинча, юқори даражадаги санація ва камроқ йўқотишлар фониди кариеснинг нисбатан паст интенсивлиги билан ажралиб туради, бу эса профилактика ва даволаш ёрдамиди яхшироқ ташкил этишни акс эттиради. Янгибозор кўрсаткичлар бўйича Урганч шаҳрига яқинлашиб, оралиқ ўринни эгаллайди.


Урганч туманида статистик жиҳатдан ишончли фарқлар кузатилмади ( $p > 0,05$ ); барча худудларда понасимон нуқсонларнинг улуши минимал бўлиб, гипоплазия ва флюороз устунлик қилиши аниқланди. 12–18 ёшли қизларда милк яллиғланишининг клиник-индекс кўрсаткичлари ёшга кўра ажратилган ҳолда (12–14, 15–16, 17–18 ёш) таҳлил қилинди, бу эса пародонт тўқималари ҳолатиди ва гигиеник кўрсаткичларнинг ёшга боғлиқ динамикасини баҳолаш имкониди берди (7-расм).

12–14 ёшли қизларда милк яллиғланишининг клиник кўрсаткичлари нисбатан паст даражада бўлса-да, худудлар бўйича ишонарли фарқлар аниқланди. Хусусан, милк яллиғланиши балли Боғот туманида  $1,12 \pm 0,05$  ни ташкил этган бўлса, Янгибозор туманида  $0,98 \pm 0,04$ , Урганч шаҳрида эса  $0,75 \pm 0,04$  га тенг бўлди ( $p < 0,01$ ). Бу кўрсаткич кишлок худудларида милк яллиғланишининг шаҳарга нисбатан 1,4–1,5 марта юқорилигини кўрсатган.

Шу ёш гуруҳида тиш карашининг индекси ҳам худди шу тенденцияни намоён қилди: Боғот туманида  $1,28 \pm 0,06$ , Янгибозор туманида  $1,10 \pm 0,05$ , Урганч шаҳрида  $0,88 \pm 0,05$  ( $p < 0,01$ ). Зондлашда қон кетиш (ЗКК), (БОП) кўрсаткичи кишлок туманларида 21,6% ва 18,3% ни ташкил этган бўлса, шаҳарда бу кўрсаткич 13,9% гача пасайган. Олинган маълумотлар эрта пубертат даврида ҳам милк тўқималари яллиғланишининг худудий ижтимоий-гигиеник шароитлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатган.

15–16 ёшли қизларда милк яллиғланиши (МЯ), тиш карашининг (ТК) ва (ЗКК) БОП кўрсаткичлари барча худудларда энг юқори қийматларга етгани аниқланди. Милк яллиғланиши балли Боғот туманида  $1,46 \pm 0,06$ , Янгибозор

туманида  $1,32 \pm 0,05$ , Урганч шаҳрида эса  $0,95 \pm 0,05$  ни ташкил этди ( $p < 0,001$ ). Бу кўрсаткич 12–14 ёш гуруҳига нисбатан мос равишда, 30–35% га ошган.



### 7-расм. Туманлар бўйича 12–18 ёшли қизларда милк яллиғланиши ва оғиз бўшлиғи гигиенасининг клиник-индекс кўрсаткичлари

Тиш қараши индекси ҳам 15–16 ёшда сезиларли ўсган бўлиб, Боғот туманида  $1,63 \pm 0,07$ , Янгибозор туманида  $1,41 \pm 0,06$ , Урганч шаҳрида  $1,02 \pm 0,05$  га тенг бўлди ( $p < 0,001$ ). Зондлашда қон кетиш кўрсаткичи қишлоқ ҳудудларида деярли ҳар учинчи қизда кузатилиб, Боғот туманида 29,8%, Янгибозор туманида 25,1% ни ташкил этди, шаҳарда эса 17,6% даражасида қолди.

Тадқиқот давомида 17–18 ёшли қизларда милк яллиғланиши ва БОП кўрсаткичларининг маълум даражада пасайиши кузатилди. Масалан, милк яллиғланиши балли Боғот туманида  $1,38 \pm 0,06$ , Янгибозор туманида  $1,21 \pm 0,05$ , Урганч шаҳрида эса  $0,88 \pm 0,04$  ни ташкил этди ( $p < 0,01$ ). Бу 15–16 ёш гуруҳига нисбатан милк яллиғланиш интенсивлигининг 5–10% га пасайганини кўрсатади.

12–18 ёшли қизларда гингивитнинг клиник шакллари туманлар ва ёш гуруҳлари бўйича тузилиши таҳлил қилинган. Тадқиқот натижаларини ҳолис баҳолаш мақсадида пубертат даврининг физиологик хусусиятлари ҳисобга олинди ва текширилган контингент 12–14, 15–16 ҳамда 17–18 ёш гуруҳларига ажратилди. Бундай ёндашув гингивитнинг клиник шакллари тарқалишида ёш омили ҳамда ҳудудий ижтимоий-гигиеник шароитларнинг ўрнини аниқлаш имконини берди (3-жадвал).

12–14 ёшли қизларда гингивитнинг барча клиник шакллари нисбатан паст улушда қайд этилган бўлса-да, туманлар ўртасида ишонарли фарқлар аниқланди. Ушбу ёш гуруҳида энг кўп учраган шакл катарал гингивит бўлиб, унинг улуши Боғот туманида 3,4%, Янгибозор туманида 2,2% ва Урганч шаҳрида 1,1% ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Бу кўрсаткич қишлоқ ҳудудларида катарал гингивитнинг шаҳарга нисбатан 2–3 марта кўпроқ учрашини кўрсатади.

Шу ёш гуруҳида гипертрофик (ювенил) гингивит улуши ҳам сезиларли бўлиб, Боғот туманида 4,6%, Янгибозорда 3,1%, Урганч шаҳрида эса 1,4% ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Бу ҳолат эрта пубертат даврида гормонал ўзгаришлар

фонда милк тўқималарининг гипертрофиясига мойиллиги билан изоҳланади.

**3-жадвал.**

**12–18 ёшли қизларда гингивитнинг клиник шакллари туманлар ва ёш гуруҳлари бўйича тузилиши (%; M±m)**

Ёш гуруҳи	Гингивит шакли	Боғот (M±m)	Янгибозор (M±m)	Урганч (M±m)	p
12–14 ёш	Катарал	3,4±0,7	2,2±0,6	1,1±0,4	<0,05
	Гипертрофик (ювенил)	4,6±0,9	3,1±0,7	1,4±0,5	<0,05
	Атрофик	1,2±0,4	0,9±0,3	0,4±0,2	>0,05
	Ярали-некротик	0,8±0,3	0,5±0,2	0,4±0,2	>0,05
	Дескваматив	0,5±0,2	0,3±0,2	0,2±0,1	>0,05
15–16 ёш	Катарал	4,2±0,8	2,9±0,7	1,6±0,5	<0,05
	Гипертрофик (ювенил)	6,1±1,0	4,3±0,9	2,1±0,6	<0,01
	Атрофик	1,5±0,5	1,1±0,4	0,6±0,3	>0,05
	Ярали-некротик	1,1±0,4	0,7±0,3	0,6±0,3	>0,05
	Дескваматив	0,7±0,3	0,5±0,2	0,4±0,2	>0,05
17–18 ёш	Катарал	3,9±0,8	2,6±0,7	1,3±0,5	<0,05
	Гипертрофик (ювенил)	5,3±1,0	3,7±0,8	1,8±0,6	<0,05
	Атрофик	1,4±0,5	1,0±0,4	0,5±0,3	>0,05
	Ярали-некротик	1,0±0,4	0,6±0,3	0,5±0,3	>0,05
	Дескваматив	0,6±0,3	0,4±0,2	0,3±0,2	>0,05

Изоҳ: \*\*“Маълумотлар % (M±m) кўринишида тақдим этилди; 12–18 ёш қизлар ёш гуруҳларига (12–14, 15–16, 17–18) ажратилиб таҳлил қилинди, p<0,05 ишончли.

Атрофик, ярали-некротик ва дескваматив гингивит шакллари 12–14 ёшли қизларда нисбатан кам учраб, уларнинг улуши барча туманларда 0,2–1,2% оралиғида бўлди. Ушбу шакллар бўйича туманлар ўртасида статистик ишонарли фарқлар аниқланмади (p>0,05), бу эса мазкур клиник вариантларнинг ушбу ёш даври учун кам хос эканлигини кўрсатади.


15–16 ёшли қизларда гингивитнинг барча клиник шакллари бўйича кўрсаткичлар энг юқори қийматларга етгани аниқланди. Айниқса, гипертрофик (ювенил) гингивит ушбу ёш гуруҳида етакчи клиник шакл сифатида намоён бўлиб, унинг улуши Боғот туманида 6,1%, Янгибозор туманида 4,3%, Урганч шаҳрида эса 2,1±0,6% ни ташкил этди (p<0,01). Бу кўрсаткич 12–14 ёш гуруҳига нисбатан мос равишда, 1,3–1,4 марта юқорилигини кўрсатади.

Катарал гингивит ҳам 15–16 ёшда кенг тарқалган бўлиб, унинг улуши Боғот туманида 4,2%, Янгибозор туманида 2,9%, Урганч шаҳрида 1,6% ни ташкил этди (p<0,05). Бундай ўсиш фаол пубертат босқичида гормонал фоннинг кескин ўзгариши, оғиз бўшлиғи гигиенасига етарлича эътибор берилмаслиги ҳамда стоматологик профилактик тадбирлар қамровининг чекланганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Атрофик, ярали-некротик ва дескваматив гингивит шакллари кам учраган бўлса-да, 12–14 ёш гуруҳига нисбатан уларнинг кўрсаткичлари маълум даражада ошган. Мазкур шакллар бўйича туманлар ўртасида статистик ишонарли фарқлар аниқланмади (p>0,05), бу эса уларнинг умумий патология тузилишида иккинчи даражали аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. 17–18

ёшли қизларда гингивит тарқалишида пасайиш тенденцияси кузатилди. Катарал гингивит частотаси Боғот туманида 3,9%, Янгибозор туманида 2,6%, Урганч шаҳрида 1,3% ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ), бу кўрсаткич 15–16 ёш гуруҳига нисбатан 5–10% га пастлиги аниқланди. Гипертрофик (ювенил) гингивит частотаси ҳам мос равишда, 5,3%, 3,7% ва 1,8% гача камайгани қайд этилди ( $p < 0,05$ ), бу ҳолат гормонал фоннинг нисбатан барқарорлашуви билан боғлиқ бўлиши мумкин. Атрофик, ярали-некротик ва десквamatив шакллар 17–18 ёшда ҳам паст тарқалиш кўрсаткичларини сақлаб қолган (0,3–1,4%) ҳамда гингивитлар умумий тузилишида чекланган аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Балоғат ёшидаги қизларда гингивит ва пародонтит (ПИ, СРITN) индексларининг ўртача қийматлари Боғот ва Янгибозор туманларида Урганч шаҳрига қараганда сезиларли даражада юқори эканлиги кўрсатилган ( $p < 0,001$ ) (8–расм).




**8-расм. 12-18 ёшли қизларда ҳудудлар бўйича пародонтал индекслар (ГИ, ПИ, СРITN ) ( $M \pm m$ )**

